

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSс.03/30.12.2019.Fil/Tar.21.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ

МАВЛЯНОВА УМИДА ХОДЖАКБАРОВНА

**ХИТОЙ ТИЛИДА СОНЛАРНИНГ СЕМАНТИКАСИ:
ЛИНГВОМАДАНИЙ ТАҲЛИЛ**

10.00.05 – Осиё ва Африка халқлари тили ва адабиёти

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

УЎК: 811.581
КБК: 81.2-5(5Кит)
М-14

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам**

**Contents of the abstract of dissertation on Doctor of Philosophy (PhD) on
Philological Sciences**

Мавлянова Умида Ходжакбаровна

Хитой тилида сонларнинг семантикаси: лингвомаданий таҳлил..... 3

Мавлянова Умида Ходжакбаровна

Семантика числа в китайском языке: лингвокультурологический
анализ..... 23

Mavlyanova Umida Xodjakbarovna

Semantics of numerals in Chinese: linguocultural analysis 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 47

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil/Tar.21.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ

МАВЛЯНОВА УМИДА ХОДЖАКБАРОВНА

**ХИТОЙ ТИЛИДА СОНЛАРНИНГ СЕМАНТИКАСИ:
ЛИНГВОМАДАНИЙ ТАҲЛИЛ**

10.00.05 – Осиё ва Африка халқлари тили ва адабиёти

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/Fil1289 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат шарқшунослик университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tsuos.uz) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Насирова Саодат Абдуллаевна
филология фанлари номзоди, доцент

Расмий оппонентлар:

Ходжаев Аблат
тарих фанлари доктори

Нурматов Сирожиддин Султанмуратович
филология фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат шарқшунослик университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019. Fil/Tag.21.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «___» _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100047, Тошкент, Миробод тумани, Шаҳрисабз кўчаси, 25-уй. Тел.: (99871) 233-45-21; факс: (99871) 233-52-24; e-mail: sharq_ilmiy@mail.ru).

Диссертация билан Тошкент давлат шарқшунослик университети Ахборот-русурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Шаҳрисабз кўчаси, 16-уй. Тел.: (99871) 233-45-21.

Диссертация автореферати 2020 йил « ___ » _____ куни тарқатилди.

(2020 йил « ___ » _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси).

А.М.Маннанов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
раиси филол.ф.д., профессор

Р.А.Алимухамедов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
котиби, филол.ф.д.

Х.З.Алимова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги Илмий семинар
раиси, филол.ф.д., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Замоनावий тилшуносликда инсон, маданият ва тил призмаси нуқтаи назаридан тил бирликларини тадқиқ этиш устувор йўналиш сифатида аҳамияти ошиб бормоқда. Чунончи, тилшунослик ва маданиятшуносликнинг кесишуви натижасида юзага чиққан лингвомаданиятшунослик тил бирликларини тамомила янги мезонлар асосида миллий маданият, миллий менталитет, миллий дунёқарашнинг инъикоси ва маҳсули ўлароқ тадқиқ этишни кун тартибига қўйди. XX асрнинг иккинчи ярмидан мустақил сўз туркуми мавқеига эга бўлган сонларни ҳам лингвомаданий аспектда ўрганиш ишлари бошланди.

Дунё тилшунослигида хитой тилидаги сон сўз туркумининг умумий хусусиятлари, ясалиши, маъно ҳамда тузилишига кўра турлари ўрганилган. Шунингдек, қадимги Хитой нумерологиясининг ўзига хос хусусиятларига оид маълумотлар ҳам таҳлил этилган. Бироқ хитой тилидаги сонларнинг такомилда буддизм, конфуцийчилик, Дао таълимоти ва миллий маданият ҳамда дунёқарашнинг таъсири, ҳозирги глобаллашув ва интеграция жараёнларининг ўрни сингари лингвомаданий жиҳатлар асосида жиддий ўрганишни талаб қилмоқда. Бу ҳолат хитой тилидаги сонларнинг лингвомаданий хусусиятларини тадқиқ этиш, сонларнинг хитой дунёси лисоний оламидаги ўрни ва аҳамиятини очиқ бериш, сонлар иштирокидаги фразеологизмларнинг ижобий ёки салбий ассоциацияларни аниқлаш масалаларини ўрганиш заруратини белгилайди.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда шарқ тиллари, айниқса, хитой тилини ўрганиш долзарб аҳамият касб этмоқда. Шу сабабли хитой тилини ўрганишдан ташқари, мазкур тилнинг лексик-грамматик, синтактик хусусиятларини тадқиқ этиш масалалари ҳам кун тартибига ўрин олган. Ўзбекистон ва Хитой Халқ Республикаси ўртасидаги кенг қамровли сиёсий-ижтимоий, иқтисодий, илмий-маданий алоқаларнинг ривожланиб бораётганлиги бу тилни янада чуқурроқ ўрганиш заруратини яратди. Бугунга қадар ўзбек хитойшунослигида ҳозирги хитой тили бўйича муайян илмий тадқиқотлар амалга оширилган бўлса-да¹, айти тилидаги сонларнинг хитой олами лисоний манзарасида тутган ўрни, уларнинг қадимги Хитой ва замоनावий Хитой лингвомаданиятидаги талқини, сонлар ва рамзларнинг ассоциацияси каби масалалар махсус монографик планда тадқиқ этилмаган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги «Олий таълим тизимини 2020 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5847-сон Фармони, 2019 йил 11 июлдаги ПҚ-4391-сон «Олий ва ўрта махсус таълим тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, 2017 йил 7 февралдаги

¹ Каримов А.А. Хитой тилидаги ҳисоб сўзлар: лексик-семантик, структурал ва функционал таҳлил. – Т., 2003. – 119 б.; Насирова С.А. Ҳозирги хитой тили дипломатик терминларининг лексик-семантик ва структур таҳлили: Филол.фан.номз. ... дисс. – Т., 2008. – 160 б.; Хашимова С.А. Ҳозирги хитой тилида редупликация: Филол.фан.номз. ... дисс. – Т., 2009. – 154 б.; Хашимова С.А. Ҳозирги хитой тилида редупликация, аффиксация ва конверсия: Филол.фан.докт. (DSc) ... дисс. – Т., 2020. – 240 б.; Мустафаева С.Т. Хитой тили тилшунослик терминлари тизимининг шаклланиши ва тараққиёти. – Т., 2016. – 196 б.

«Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони, ПҚ-2909-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 8 майдаги «Узлуксиз таълим тизимининг чет тиллар бўйича давлат таълим стандартини тасдиқлаш тўғрисида»ги 124-сон қарори ва бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республикада олиб борилаётган илмий тадқиқотнинг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар тараққиётининг I «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Сон сўз туркуми тилшуносликда кенг кўламда тадқиқ этилган. Сонлар илк бор И.А.Бодуэн де Куртене томонидан таклиф қилинган биринчи миқдорий таснифлар бўйича, кейинчалик эса А.А.Холодович томонидан миқдорлар тоифасининг баъзи жиҳатларига кўра ўрганиб чиқилган². Сон мавзусига оид илк лингвистик ёндашув Е.В.Гулига ва Е.И.Шендельслар³ томонидан амалга оширилди. Кейинчалик А.В.Бондарконинг грамматик категорияларни функционал таҳлил қилиш асосида Л.Г.Акуленко томонидан ишлаб чиқилган Европа тиллари материаллари асосида сонларнинг функционал-семантик таҳлили заминидан анча тўлиқ назария пайдо бўлди⁴. Атрибутлар ва оппозицияларнинг комбинацияси орқали миқдор категориясини тавсифловчи Я.Г.Биренбаум ва И.А. Кузнецовларнинг дунёқарашлари ҳам диққатга сазовордир⁵. Илмий адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, аксарият ҳолларда тадқиқотчилар, чунончи, М. Киэда, В.М.Алпатов, И.Ф.Вардуль, С.А.Старостинлар диққатни миқдорни грамматик усуллар орқали ифода этилишини ўрганишга қаратишган⁶.

Ўзбек тилшунослигида Ғ.Абдурахмонов, Ш.Шукуров, А.Абдуазизов, Н.Маҳмудов, А. Нурмонов, А.Мухторов, У.Санақулов, Қ.Сапаев, Э.Фозилов, З.Т.Холмановалар⁷ ўзбек тили мисолида сўз туркумларига хос грамматик

² Бодуэн де Куртене И.А. Количественность в языковом мышлении // Бодуэн де Куртене И.А. Избранные труды по общему языкознанию. Т. 2. – М., 1963. –350 с.; Холодович А.А.Очерк грамматики корейского языка. – М.: ЛКИ,2012. – 320 с.

³ Гулыга Е.В., Шендельс Е.И. Грамматико-лексические поля в современном немецком языке. – М.: Просвещение,1969. – 184 с.

⁴ Бондарко А.В. Грамматическая категория и контекст. – Л.: Наука, ЛО, 1971. – 114 с.; Акуленко Л.Г. О структуре поля количества в современном немецком языке. Вестник Харьковского ун-та..1984. – С.3-8.

⁵ Биренбаум Я.Г., Кузнецов И.А. Еще раз о несобственных числительных в английском языке // Теория и практика лингвистического описания разговорной речи, 1968. – С. 110–116.

⁶ Киэда М. Грамматика японского языка (в двух томах).– М.: Эдиторал УРСС, 2004. – 674с. – 264 с.; Алпатов В.М., Вардуль И.Ф., Старостин С.А. Грамматика японского языка.– М.: Восточная литература, РАН, 2000. – 153с.

⁷ Абдурахмонов Ғ. Ўзбек тили грамматикаси. Морфология, 1-том. – Т.: Фан, 1975. – 612 б.; Абдурахмонов Ғ., Шукуров Ш. Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси. – Т.: Ўқитувчи, 1973. – 320 б.; Абдуазизов А. Умумий тилшунослик. – Т.,1979. – 230 б.; Маҳмудов Н., Нурмонов А. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси (синтаксис) – Т.: Ўқитувчи, 1995. – 150 б.; Мухторов А., Санақулов У. Ўзбек адабий тили тарихи. – Т.: Ўқитувчи, 1995, – 160 б.; Сапаев Қ. Ҳозирги ўзбек тили. – Т., 2009. – 254 б.; Фозилов Э. Ўзбек тилининг тарихий морфологияси. – Т.: Фан, 1965. – 144 б.; Холманова З.Т. Тилшуносликка кириш. – Т., 2007. – 177 б.

категориялар, жумладан сон сўз туркуми борасида изланишлар олиб борганлар. М.Асқарова ва Х.Саидниёзова⁸ ҳам ўзбек тилидаги сон сўз туркуми масалалари билан шуғулланишган.

Кейинги пайтларда сон семантикаси тадқиқи билан шуғулланган олимлар қаторига М.Жўраев, С.Нурматов, Ш.Баясгалан, М.Н.Приемишева, С.А.Жаботинская, А.А.Джакаева, А.Э.Гармаева, Н.П.Чернеева, Х.М. Мусаеваларни⁹ киритиш мумкин. Улар турли тилларда сонлар семантикасига оид тўплаган материалларни чоғиштирма, киёсий, тарихий, структур, тавсифий, таҳлилий, жадвалга солиш, квантитатив, статистик, ҳисоб-китоб методлари ёрдамида таҳлил қилганлар.

Хитой тилшунослигида ҳам сон категориясини ўрганишнинг ўзига хос мактаби мавжуд. Цуй Хун Ень, Ван Минци, Ван Ли, Жан Чиченг, Жанг Яншенг¹⁰ кабилар сон сўз туркумини ўрганиб, хитой тили грамматикасини бойитишга катта ҳисса қўшганлар.

Бундан ташқари, А.А.Драгунов, А.А.Хаматова, А.И.Кобзев, Н.В.Солнцева, В.М.Солнцев, А.А.Каримов, С.А.Насирова, С.А.Хашимова, С.Т.Мустафаеваларнинг¹¹ ишларида ҳам сон сўз туркумига оид маълумотлар кузатилади. Мазкур ишларда хитой тилида сонларнинг турли хусусиятлари ҳақида қимматли фикрлар баён этилган. Бироқ сонларнинг вужудга келиш усуллари, ҳосил бўлишининг когнитив асослари, қўлланишининг лингвомаданий хусусиятлари

⁸ Асқарова М.А., Саидниёзова Х.М. «Бир» сўзининг қўлланиши ҳақида // Ўзбек тилшунослигининг айрим масалалари. Илмий асарлар. – Т., 1972. – 42 б.

⁹ М.Жураев. Магические числа в узбекских народных сказках. Исторические основы и поэтические функции: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1987.-24 с.; Нурматов С.С. Ҳиндий ва сингал тиллардаги соннинг морфологик хусусиятлари: Филол. фан. номз. ... дисс. – Т., 2005. – 181 б.; Баясгалан Ш. Семантика числительных во фразеологии монгольского, русского и английского языков: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Махачкала, 2006. – 20 с.; Приемишева М.Н. Количественные числительные в современном русском языке: Семантика и функционирование: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Краснодар, 1999. – 24 с.; Жаботинская С.А. Когнитивные и номинативные аспекты класса числительных (на материале современного английского языка): Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – М., 2003. – 48 с.; Джакаева А.А. Структурно-семантическая характеристика числительных в кумыкском языке в сопоставлении с английским: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Махачкала, 2007. – 25 с.; Гармаева А.Э. Числовая символика в монгольских языках: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Улан-Удэ., 2009. – 26 с.; Чернеева Н.П. Семантика и символика числа в национальной картине мира: на материале русской и болгарской идиоматики: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – М., 2003. – 24 с.; Мусаева Х.М. Структурно-семантическая и функциональная характеристика числительных в лакском языке: в сопоставлении с русским языком: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Махачкала, 2011. – 21 с.;

¹⁰ Цуй Хун Ень. Семантика наименований чисел в русском и китайском языках: лингвокультурологический аспект: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Краснодар, 2003. – 20 с.; Ван Минци. Выражение количества в русском языке: с позиции носителя китайского языка: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Пенза, 2004. – 24 с.; 王力. 中国现代语法. –北京:商务印书馆, 1985. – 423 页; 张其成. 象数易学: 广西科学技术出版社, 2009 年. – 356 页; 张延生. 象数易学与逻辑. –北京: 中央编译出版社, 2015 年. –558 页.

¹¹ Драгунов А.А. Исследования по грамматике современного китайского языка. Т.1. Части речи. – М.: Изд-во АН СССР, 1952. – 231 с.; Хаматова А.А. Словообразование современного китайского языка. – М.: Муравей, 2003. – 224 с.; Кобзев А.И. Учение о символах и числах в китайской классической философии. – М.: Наука, 1993. – 432 с.; Солнцева Н.В., Солнцев В.М. Теоритическая грамматика современного китайского языка. Проблемы морфологии. Курс лекций. – М.: Военный институт, 1978. – 152 с.; Каримов А.А. Хитой тилидаги ҳисоб сўзлар (лексик-семантик, структурал ва функционал таҳлил). – Т., 2003. – 120 б.; Насирова С.А. Ҳозирги замон хитой тили дипломатик терминларнинг лексик-семантик ва структур таҳлили: Филол. фан. номз. ... дис. – Т., 2008. – 160 б.; Хашимова С.А. Ҳозирги хитой тилида редупликация: филол. фан. номз. дис. – Т., 2009. – 46 б.; Хашимова С.А. Ҳозирги хитой тилида редупликация, аффиксация ва конверсия: филол. фан. док. (DSc) дис. – Т., 2020. – 240 б.; Мустафаева С.Т. Хитой тили тилшунослик терминлари тизимининг шаклланиши ва тараққиёти. – Т.: Шарқ, 2016. – 196 б.

махсус тадқиқотлар мавзуси бўлмаган, монографик йўсинда ўрганилмаган. Шу боис, хитой тилидаги сонларнинг когнитив хусусиятларини очиш ва уларни миллий ментал муҳит билан боғлиқ ҳолда тадқиқ қилиш долзарблик касб этади.

Тадқиқот ишига манба сифатида Жанг Яншенгнинг «象数易学与逻辑» (Нумерология ва мантиқ. Пекин, 2015); Жанг Чиченгнинг «象数易学» (Нумерология. Гуанси, 2009); «现代汉语词典» (Ҳозирги хитой тили луғати. Пекин, 2002); «汉语成语词典» (Хитой тилида фразеологик бирликлар луғати. Си Чуан, 2016), О.Очилов ва Ли Ямейларнинг «乌汉-汉乌熟语词条对照辑录» (Ўзбекча-хитойча, хитойча-ўзбекча мақоллар, ибора ва маталлар луғати. Пекин, 2011); Т.Акимов ва Ж.А.Кираубаевнинг «汉乌俄成语词典» (Хитойча-ўзбекча-русча фразеологик луғати. Тошкент, 2002) танлаб олинди.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Тошкент давлат шарқшунослик университети илмий тадқиқот ишларига мувофиқ «Шарқ мамлакатлари тилини ўрганиш ва тилшуносликнинг назарий таълимоти масалалари» мавзусидаги хитой филологияси кафедрасининг хитой тили лексикологияси, сўз ясалиши ва хорижий тиллардан фойдаланишга алоқадор илмий йўналиш доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади хитой тилидаги сонларнинг такомилда буддизм, конфуцийчилик, Дао таълимоти, миллий маданият ва дунёқарашнинг таъсири ҳамда сонларнинг лингвомаданий хусусиятларини ёритиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

хитой лингвомаданиятшунослигининг шаклланиш ва ривожланиш босқичларини белгилаш;

сон туркуми ўрганилганлик даражаси таҳлилини амалга ошириш;

хитой тилшунослигида соннинг тадқиқи ва талқини даражасини тавсифлаш;

қадимги Хитойда нумерологик сон ва рамзлар мутаносиблиги масаласини тадқиқ этиш орқали сонларнинг хитой дунёси лисоний манзарасида тутган ўрни ва аҳамиятини аниқлаш;

хитой тили сон туркумининг лексик-грамматик хусусиятларини ўрганиш;

хитой тилидаги бирлик, ўнлик ва ундан юқори санок сонларнинг лингвомаданий семантикасини таҳлил қилиш;

лингвомаданий таҳлил асосида ижобий ва салбий мазмунли фразеологик бирликларда сонлар кўламини аниқлаш, уларнинг маъновий ва лингвомаданий хусусиятларини белгилаш.

Тадқиқотнинг объектини турли типдаги хитой тили луғатларида қайд этилган сонлар ташкил қилади.

Тадқиқотнинг предметини санок сонларнинг лингвомаданий хусусиятлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияни ёзишда анализ, синтез, компонент таҳлил, тавсифлаш, интерпретация, статистик таҳлил, жадваллаштириш усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

хитой тилидаги қадимги ва замонавий манбалардан тўпланган далиллар асосида хитойча сон ва рамзлар мутаносиблиги масаласи, сонларнинг хитой дунёси лисоний манзарасида тутган ўрни ва аҳамияти асослаб берилган;

хитой тилидаги бирлик, ўнлик ва ундан юқори сонларнинг лингвомаданий маънолари аниқланган;

хитой тилидаги сонларнинг такомилда буддизм, конфуцийчилик, Дао таълимоти, миллий маданият ва дунёқарашнинг таъсири далилланган;

ҳозирги хитой тилида сонларнинг лингвомаданий хусусиятлари 597 та фразеологик бирликлар мисолида ижобий 386 та сон ва салбий 211 та сон асосида ифода этиши аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

хитой лингвомаданиятшунослигининг шаклланиш ва ривожланиш босқичлари тадқиқ этилиб, сон туркуми ўрганилганлик даражасининг илмий-назарий асослари ёритилди;

қадимги Хитойда санок сон ва рамзлар мутаносиблиги масаласини тадқиқ этиш натижасида сонларнинг хитой дунёси лисоний манзарасида тутган ўрни аниқланиб, бирлик, ўнлик ва ундан юқори сонларнинг лингвомаданий хусусиятларининг семантик таснифи асослаб берилди;

сонларнинг лингвомаданий хусусиятлари ва уларнинг ижобий/салбий маъно кўлами хитой фразеологик бирликлари мисолларида далилланди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги республика ва ҳалқаро миқёсдаги илмий-назарий ва илмий-амалий конференция материаллари тўпламлари, ОАК рўйхатидаги журналларда чоп этилган мақолалар, хулосалар, таклиф ҳамда тавсияларнинг амалиёти жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, чиқарилган назарий хулосалар ҳозирги кунда хитой тилшунослиги ва лингвомаданиятшунослигида долзарб ҳисобланган сонлар таснифи, сон ва рамзлар мутаносиблигини аниқлаш мезонлари масалаларида илмий маълумотларни кенгайтиради ва тўлдиради. Шу билан бирга, тадқиқот натижасида олинган аниқ илмий хулосалар хитой тилшунослигида сон туркумини таснифи масалаларини янада чуқурроқ ўрганиш учун муҳим илмий-назарий маълумотлар беради.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, ундан умумий тилшунослик, лингвомаданиятшунослик, хитой тили назарий грамматикаси, хитой тили морфологияси, хитой тили лексикологияси, синхрон таржима кўникмаларини шакллантиришга қаратилган махсус курслар каби ўқув фанларидан маъруза матнлари, дарслик ва ўқув қўлланмалар яратишда фойдаланиш мумкин. Тадқиқот натижаларидан олий ва ўрта тизимда хитой тилини ўқитиш жараёнида фойдаланиш юқори самара беради ҳамда луғатлар тузишда сонлар семантикасининг таржима вариантларини аниқ белгилашда амалий материал бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Хитой тилида сонларнинг лексик-грамматик ва лингвомаданий хусусиятларини ўрганиш юзасидан олинган илмий натижалар ва амалий таклифлар асосида:

кадимги Хитой нумерологияси ва символлар мутаносиблиги масаласи билан боғлиқ натижаларидан ОТ-Ф1-71 рақамли «Илк ва ўрта асрлар Марказий Осиё минтақасида этнолингвистик вазият» мавзусидаги амалий лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 17 сентябрдаги 89-03-3363 сон маълумотномаси). Натижада илк ўрта асрларда Марказий Осиё бўйича қадимги хитой манбаларидаги маълумотлар ва минтақа тилларига хитой тилининг таъсири масалаларини ёритиб беришга хизмат қилган;

хитой тилидаги сон сўз туркуми, соннинг лексик-грамматик хусусиятлари, соннинг таснифи, ясалиши масалалари «Филология ва тилларни ўқитиш (хитой тили)» таълим йўналиши бўйича таҳсил олаётган талабалар учун ҳозирланган «Хитой тили» дарслигини яратишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 24 августдаги 603-сон буйруғи, 603-257 рақамли гувоҳнома). Натижада, хитой тилидаги соннинг мустақил сўз туркуми сифатида ажратилиши, ясалиши, соннинг семантик ва грамматик турлари ҳамда лексик-грамматик хусусиятларига оид материаллар дарсликнинг тегишли қисмини ёзишда қўлланилган, хусусан, мавзуга доир машқлар ва тестлар ишлаб чиқишда асос бўлган;

ҳозирги хитой тилида сонни тўғри қўллаш ва таржима қилиш, ёзма ва оғзаки нутқда ифодалаш, соннинг фразеологик бирликларда қўлланилиш жиҳатлари Конфуций номидаги ўзбек-хитой институтида дарс жараёнига, хусусан, «Хитой тили» фани дарслари жараёнида қўлланилмоқда (Конфуций номидаги ўзбек-хитой институтининг 2020 йил 12 мартдаги 3-сон маълумотномаси). Жорий этилган материаллар ўқув жараёнида тингловчиларда сонларни оғзаки ва ёзма мулоқотда тўғри қўллаш ҳамда таржима қилиш кўникмасини ҳосил қилишда хизмат қилган;

ҳозирги хитой тилида сонлар, уларнинг семантик майдонлари, қўлланиши, таржима хусусиятлари, лингвомаданий кирралари Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг қатор кўрсатув ва эшиттиришларида, жумладан, «Маҳалла» радиоканалининг «Мунаввар соатлар» эшиттириши жараёнида фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «Маҳалла» радиоканали ДУК, 2020 йил 21 июлдаги 01-03-324 сон маълумотномаси). Натижада, хитой сонларини тўғри қўллаш, сон сўз туркумини тўғри талқин қилиш, хитой тилида сонлар иштирокидаги фразеологик бирикмаларни тўғри тушунириш ҳақида савол-жавоблар радиоэшиттириш мазмунини бойитишга ва тингловчиларни хитой тилидаги сонни тушуниш борасидаги билимларини чуқурлаштиришга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш чоп этилган. Шулардан 1 та дарслик, 1 та ўқув

қўлланма ва Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола (4 та республика ва 2 та хорижий журналларда) нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч асосий боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, умумий ҳажми 155 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ҳамда вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, мавзунинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

«Хитой лингвомаданиятшунослиги: сон ва рамзлар мутаносиблиги» деб номланган **биринчи боб**да хитой тилидаги сон ва унинг хитой тилшунослиги, рус ҳамда ўзбек хитойшунослигида тадқиқ этилиши масаласи ўрганилган, хитой лингвомаданиятшунослигининг юзага келиш ва тараққий этиш омиллари ва босқичлари тавсифланган, қадимги Хитойда нумералогиянинг шаклланиш хусусиятлари тадқиқ қилинган. Хитой тилшунослигида соннинг айрим грамматик хусусиятларини ўрганишга оид илк ишлар XIX асрнинг охирига оид бўлиб, Европа тилшунослиги таъсирида ёзилган¹². Хитой тилшунослиги, ўзбек ва рус хитойшунослигидаги тадқиқотлар таҳлили хитой тилидаги соннинг асосан лексик-грамматик хусусиятлари тадқиқини қамраб олганлиги, соннинг лингвомаданий таҳлили амалга оширилмаганлигини кўрсатди.

Хитой тилидаги манбалар таҳлиладан кейинги пайтларда Хитойда лингвомаданиятшунослик соҳасидаги тадқиқотларга қизиқиш ортаётганлиги кузатилади. Бугунги кунда Хитойда лингвомаданиятшуносликнинг фан сифатида шаклланишини тўрт даврга бўлиш мумкин:

1. 1950 йилларда лингвомаданиятшуносликнинг юзага келиши.

2. 1980 йилларда лингвомаданиятшуносликнинг қайта англаниши.

3. 1990 йилларда лингвомаданиятшунослик бўйича тадқиқотларнинг ривожланиши.

4. XXI асрда Хитойда лингвомаданиятшуносликнинг жадал суръат билан тараққий этиши.

Хитой лингвомаданиятшунослиги XX асрнинг 50-йилларида рус лингвомаданиятшунослиги таъсирида юзага келган бўлиб, 80-йилларда тараққий этган. Сўнгги ўттиз йилликда бу соҳа жадал суръат билан ривожланмоқда. Хитой лингвомаданиятшунослигида хитой маданияти

¹² Кирюхина Л.В. Синтаксические исследования китайского грамматиста Ма Цзяньчжуна. Вестник Бурятского государственного университета. – Тамбов: Грамота, 2016. №6(60) в 3-х ч. Ч.1. – С. 117–120.

хазинаси ҳисобланган иероглифлар тадқиқи муҳим ўрин тутди. Хитой лингвомаданиятшунослиги доирасида хитой тили ва хитой шеваларининг тадқиқи, хитой тилини чет тили назариялари, айниқса, рус лингвомаданиятшунослиги билан бирлаштириб тадқиқ этиш ишлари амалга оширилмоқда. Мавжуд илмий изланишларда асосан хитой тилидаги соннинг грамматик хусусиятлари, ясашидаги ўзига хосликлар, соннинг семантик ва тузилишига кўра таснифлаш масалалари таҳлил этилган. Бироқ хитой тилидаги сонларнинг лингвомаданий хусусиятлари махсус монографик тадқиқотга объект бўлмаган.

Қадимги Хитойнинг ўзига хос дунёни кўриш ва қабул қилиши билан боғлиқ тасаввур ва фалсафий ёндашувлар Хитойнинг специфик нумерологияни юзага келтирди. Хитой нумерологиясининг энг қадимги намоён бўлиш ҳолати, аввало, дунёнинг ташқи белгиларини одам томонидан идрок этилиши ва оламни пайдо бўлишини шарҳлаш билан боғлиқ ҳолда майдонга чиқди. Шу боис, дунёнинг пайдо бўлишини изоҳловчи «Саккиз учграммалар назарияси» (八卦 bā guà), «Инь ва янь» (阴阳 yīn yáng) ва «Беш унсур таълимот» (五行 wǔxíng) лари Хитой олами лисоний манзарасида муҳим ўрин тутди. Яъни Хитой олами лисоний манзарасида дунёнинг асоси ва келиб чиқиши ҳақидаги ғоялар бевосита сонлар билан боғлиқ бўлган.

Хитой лингвомаданиятида энг қадимги сонга доир тасаввурлар саккизта учграммалар¹³ назарияси билан боғлиқ бўлиб, бу назария маълум даражада одамларнинг эътиқодларини шакллантиришга хизмат қилди. ☰ sān уч ва ☷ bā саккиз сони билан ассоциациялашувчи мазкур саккиз учграммалар ёрдамида коинотнинг барча ҳодисалари, табиий ва ижтимоий омиллар таҳлил ва тасниф қилинган. Бу назария ҳодисалар, тамойиллар ва хусусиятларнинг ўзаро алоқасини аниқлашни мақсад қилувчи илмий ёндашув ўлароқ талқин қилинади¹⁴. Мазкур саккиз учграмма хитой миллатининг жаҳолатга чек қўйиш ва хитой тамаддунининг шаклланишига ўтишининг мезони, диний қарашларнинг ривожига тараққиётнинг кўрсаткичига айланган.

Хитой тилидаги ☷ èr икки сони билан ассоциациялашувчи инь ва янь (阴阳 yīn yáng) дуализми таълимоти хитой тил жамоасининг бир-бирига мутаносиб бўлган жуфтликни ташкил этувчи табиат ҳодисаларини кашф этиши натижасида воқеланди. Бир-бирини тўлдирувчи ва инкор этувчи, шу йўл билан бир бутунликни ташкил этувчи янь ва инь дуализми таълимоти хитойликлар ҳаёти ва фаолиятининг барча жиҳатларига таъсир кўрсатди, пировард-натижада ижобий сон мавқеига эга бўлди. Хитой олами лисоний манзарасида етакчи ўринни эгаллаган беш унсур таълимоти борлиқнинг асосини талқин этувчи фалсафий таълимотдир. Бу таълимотга кўра, 火 huǒ олов, 水 shuǐ сув, 木 mù дарахт, 金 jīn маъдан, 土 tǔ ер доимий ҳаракатдаги, бир-бирига таъсир

¹³ Саккиз учграмма (八卦 bā guà) - учта яо чизигининг узлуксиз, штрихли чизикларидан ташкил топади. Уч яонинг барча комбинациялари саккизта учграммани ҳосил қилади. Учта турли чизиклар (узлуксиз, штрихли ва б.)дан ташкил топган бўлиб, энг максимал кўриниши саккизтадир. Батафсил қаранг: 张延生. 象数易学与逻辑. - 北京: 中央编译出版社, 2015年. -55页.

¹⁴ 张其成. 象数易学. - 广西: 科学技术出版社, 2009年. -22页.

кўрсатувчи моддий асослардир. Хитой олами лисоний манзарасида 5 сонининг ижобий сон билан ассоциациялашуви айнан шу таълимотга боғлиқдир.

Демак, хитой тилидаги сон семантикасини ўрганиш ва интерпретациясини амалга ошириш қадимги Хитой нумералогиясининг шаклланишидаги ўзига хосликни, хитой сонларининг специфик грамматик ва лексик хусусиятларига оид бир қатор масалаларнинг мавжудлигини кўрсатадики, уларнинг ечимига оид фикр-мулоҳазалар мазкур тадқиқот қамровида илгари сурилди.

«Хитой тилида сон туркумининг лексик-грамматик ва лингвомаданий хусусиятлари» номли **иккинчи бобда** хитой тилидаги соннинг лексик-грамматик хусусиятлари, бирлик, ўнлик ва ундан юқори сонларнинг семантикаси ўрганилган. Хитой тилшунослигида соннинг сўз туркуми мавқеига эга бўлиши учун узоқ вақт талаб этилди. Зеро, нарса-предметларнинг миқдори ёки тартибини билдирувчи иероглифлар хитой тилшунослигида сифатнинг маъно тури ёки ёрдамчи сўзлар сифатида ҳам тавсифланган. Лекин хитой тили грамматикаси бўйича кўпгина замонавий илмий адабиётларда сонларда алоҳида лексик маъно (миқдор ва сон маъноси), синтактик ишлатилишининг хусусиятлари (мустақил предикативлик хусусиятининг йўқлиги, ҳисоб сўзлар билан бирикиб келиши) каби хусусиятларнинг мавжудлиги ушбу тоифани мустақил лексик-грамматик категорияга ажратиш учун етарли асос бўла олади¹⁵.

Хитой тилида содда (бир морфемали) сонлар 1 дан 10 гача бўлган сонларни ифодалайди. 11 дан то 19 гача бўлган сонлар эса, содда сонларнинг қўшилиши орқали ясалади. Бундай сонлар – таркибидаги морфемаларнинг сон маънолари йиғиндиси бўлиб, «аддитив сонлар» деб номланади. 20 дан 99 гача бўлган сонлар ҳам содда сонларнинг қўшилиши орқали ҳосил бўлади, лекин уларнинг маъноси қўшиш асосида эмас, таркибидаги морфемаларнинг кўпайтирилишига асосланади. Бундай сонлар «мультипликатив сонлар» деб аталади¹⁶. Масалан: 八 bā *саккиз*, 十八 shí bā *ўн+саккиз= ўн саккиз*, 八十 bā shí *саккиз+ўн =саксон*. 千万 qiān wàn *ўн миллион* сони хитой тилида *мингларнинг минг ўнликлари* каби кўринишга эга. Бу ердаги асосий фарқ қўшилаётган содда сонларнинг йиғиндиси ва уларнинг ўзаро боғланишидан иборат, чунки хитой тилида сонлар турланмайдиган сўз туркумлари қаторига киради.

Хитой ёзувида сонларни ифодалашнинг уч тури мавжуд¹⁷ : 1) соддалаштирилган ёзув сонлари (小写数字 xiǎo xiě shù zì): 一 yī *бир*, 二 èr *икки*, 三 sān *уч*, 四 sì *тўрт*, 五 wǔ *беи*, 六 liù *олти*, 七 qī *етти*, 八 bā *саккиз*, 九 jiǔ *тўққиз*, 十 shí *ўн*; 2) мураккаб/ анъанавий ёзув сонлари (大写数字 dà xiě shù zì) : 壹 yī *бир*, 貳 èr *икки*, 叁 sān *уч*, 肆 sì *тўрт*, 伍 wǔ *беи*, 陆 liù *олти*, 柒 qī *етти*, 捌 bā *саккиз*, 玖 jiǔ *тўққиз*, 拾 shí *ўн*; 3) сонларни арабча рақамлар билан ифодалаш: 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10¹⁸.

¹⁵ Горелов В.И. Теоретическая грамматика китайского языка. – М.: Просвещение, 1989. – С. 42.

¹⁶ Кўрсатилган манба. – С. 43.

¹⁷ Кўрсатилган манба. – С. 76.

¹⁸ Мин сулоласи давридан (1368-1644) Хитойда математиклар араб рақамларини санок тизими сифатида қўллай бошлаган. Цин сулоласи давридан (1644-1911) эса математик ёзувларда хитой рақамли белгилари ва Сужоу рақамлари (苏州码字 sū zhōu mǎ zì) («тижоратчилар рақами») араб рақамларига ўзгартирилган. Батафсил қаранг: 李药瑟. 中国科学技术史/药瑟李. 第三卷. 数学. – 北京: 科学出版社, 1978. –135 页.

Тил жамоаси учун сон семантикасининг аҳамияти, яъни унинг «маданий талаби» ҳар хил тил маданиятларида турличадир. У ёки бу маданият анъаналарида ушбу аҳамиятнинг даражаси ва хусусиятларини прецедент (маданий равишда қайд қилинган) бўлган ва уни ўз ичига сонлар номларини олган матнлар асосида аниқлаш мумкин. Сон турли маданиятлардаги ҳисоблаш тизимларига асосланган ҳисобнинг дастлабки бирликларидан мавҳумлашиб (абстрактлашиб) борган (ёрқин бурждаги юлдузлар сони – 7 та, дунёнинг томонлари – 4 та, қўл бармоқлари – 10 та, бармоқлардаги бўғинлар – 12 ва бошқ.). Сонларга ном бериш жараёнида қадимий тасаввурларни ўз ичига олган рамзий маънолар тобора йўқолиб борган. Бироқ хитой тилида сонлардаги қадимий рамзийлик элементларини муайян халқининг анъанавий маданияти, яъни урф-одат ва удумларида, хурофот ва таъқиқлар тизимида, халқ оғзаки ижоди ва амалий санъатда кенг учратиш мумкин. Яъни, ушбу концепт маданият жиҳатидан аҳамиятли тушунча сифатида тилда мужассам ва алоҳида белгиланган бўлади. Соннинг алоҳида роли тил бирликларининг асосий лексик маъноси билан ёнма-ён воқеланадиган турли семантик ўзгаришлар, талқинларда акс эттирилади ва илмий адабиётда «маданий коннотациялар» термини билан юритилади¹⁹.

Тадқиқотда хитой тилидаги бирлик, ўнлик ва ундан юқори сонларнинг лингвомаданий хусусиятларининг таҳлилига икки айри фаслда ўрин берилган.

— **уī бир сони.** Хитойликлар учун — *уī бир* сони жуда муҳим ҳисобланади, зотан, бу сон «Буюк ибтидо», «барча нарсанинг яратилиши» маъносига эга. Бир сони қадимги фалсафий мафкурада тинчлик манбаси ёки коинотнинг пайдо бўлиши белгиси сифатида кўрилган. Баъзилар «1» сонининг ифодаланиш шаклини моддийликка эга дастлабки хаотик ҳолат деб талқин қилишади. Маълумки, 1 сони реал рухий предметдир, «И Цзин»²⁰ («易经») («Ўзгаришлар китоби»)да бу сон *барча ибтидоларнинг ибтидоси* деб баҳоланган²¹. Ғарбий Хань сулоласи даврида яшаган файласуф Дун Чжуншу «1» сонини 元 уиán *бошланиш* деб номлайди, Ғарбий Хань сулоласининг охириги йилларда Ву императори ҳукмдорлик даврида яшаган Ян Сюн эса уни 玄 хуán *осмон*, пайғамбарлар 太易 tàiyì *боқийлик* деб аташган. Мазкур соннинг мазмун-моҳияти Лао Цзи томонидан яратилган «Дао дэ Цзин» («道德经») («Йўл ва фазилатлар китоби») асарида мукамал тарзда очиб берилган. Даосизмнинг бевосита тасавури — «1» сони. Дунёнинг бошланиши хусусида у шундай ёзади: Мавжудлик бўшлиқ туфайли дунёга келади. Даонинг моҳияти — бўшлиқ²². Бу

¹⁹ Телия В.Н. Русская фразеология. Семантический, прагматический и лингвокультурологический аспекты. – М., 1996. – С. 216.

²⁰ «И Цзин» (易经 yì jīng) ёки «Чжоу И» (周易 zhōu yì) («Ўзгаришлар китоби») – Хитойнинг қадимги фалсафий асарларидан ҳисобланади. Илк матнлар мил. авв. 700 й.га тегишли бўлиб, 64 гексаграммадан иборат ва фол очиш учун мўлжалланган эди. Мил.авв. II асрда конфуцийчилик анъаналарини тарғиб қилувчи беш китоб доирасига киритилган. Батафсил қаранг: И Цзин. «Книга Перемен» и её канонические комментарии / Перев. с кит., предисл. и примеч. В. М. Яковлева. – М.: Янус-К, 2000. – 267 с.

²¹ Щуцкий Ю. К. Китайская классическая «Книга Перемен» / Под ред. А. И. Кобзева. 2-е изд. – М.: Наука, 1993. – С. 47.

²² Петросян К. Дао дэ Цзин: Опыт русского перевода. – Рига, 2019. С. – 16.

ерда «бир» сони – коинотнинг бўлиниш рамзи, тартибсизликдан тартибга ўтишнинг энг чегара нуктаси, деб тушунилади.

Дао таълимотида бир сони «осмону фалак», яъни илк яратилган илоҳий тушунча деб қабул қилинганлиги сабабли хитой ёзувида ҳам у бир текис горизонтал чизиқ билан ифодаланиб, гўёки «бир текис осмонни» ифодалагандек туюлади. Бир сонига Ернинг маркази, негизи тарзида қаралган. У кўп ҳолларда «Дао» таълимот каби яқдил нафасга эга²³. Ўн икки цикли бирликда «янги туғилган гўдак» маъносида ҳам талқин қилинади. Замонавий хитойликларда бир сони билан боғлиқ ассоциациялар жуда кўп. Масалан, 1 сони 一号 yí hào иероглифи билан сўзма-сўз бир рақами ёки рақам бир деб ўгирилади. Хитойлик мулоқот давомида 我去第一号 wǒ qù dì yī hào «Мен бир рақамига бораман» деса, «мен қўл ювиш хонасига бораман» деган маъносини кўзда тутди. Чунки, 一号 yíhào бир рақами иероглифи остида қўл ювиш хонаси тушунилади.

Хитой тилида 一 yī бир сони кўп маъноли сўз. «Катта хитой луғати» («汉语大辞典»)да ушбу сўзнинг 24 маъноси изоҳланган. Уларнинг энг кўп қўлланиладигани куйидагилар:

1. 最小整数 zuìxiǎo zhěngshù энг кичик сон; бир; биринчи.
2. 相同 xiāngtóng – бир хил.
3. 另一 lìng yī– бошқача, акс ҳолда.
4. 全 quán yī– бутун; ҳаммаси.
5. 万 wàn yī – агарда; ҳолатда.
6. 统一 tǒng yī – бирлашма; бирдамлик, бирлик.
7. 专 zhuān yī– эътибор қаратилган.
8. 独 dú yī- ягона.
9. 开始 kāishǐ – бошлангич.

Бир сони хитой мумтоз шеърлятида ҳам кенг ва турлича маъноларда ишлатилган. Цинь сулоласи (秦朝 qín cháo) (мил.авв.221-207йй.) даврининг машҳур шоири 屈原 Цюй Юань шундай шеърни ёзган:

一帆一桨一鱼舟, yì fān yī jiǎng yī yúzhōu,
一个鱼翁一钓钩, yí gè yúwēng yī diào gōu,
一府一仰一场笑, yī fǔ yī yǎng yì chǎng xiào,
一江明月一江秋。 Yì jiāng míngyuè yì jiāng qiū.

Сўзма-сўз таржимаси куйидагича:

— yī бир, 帆 fān елкан, — yī бир, 桨 jiǎng эшкак, — yī бир, 鱼 yú балиқ, 舟 zhōu қайиқ; — yī бир, 个 gè ҳисоб сўз, 鱼翁 yú wēng қари балиқчи, — yī бир, 钓钩 diào gōu балиқ овлаш учун илгак; — yī бир, 府 fǔ настга, — yī бир, 仰 yǎng тепага, — yī бир, 场笑 chǎng xiào табассум; — yī бир, 江 jiāng дарё, 明月 míng yuè тўлин ой, — yī бир, 江 jiāng дарё, 秋 qiū куз.

²³ Чжоу Цзунхуа. Дао И-Цзина. Путь к пророчианию. Перевод А.Костенко. – М.:София, 1996. – С. 121.

Юқоридаги тўрт мисрали шеър Шарқий Чжоу (东周 dōng zhōu) сулоласи Жи Лин (姬林 jī lín) императори ҳукмронлиги даврида (мил. авв. 719-697йй.) деярли бутун жанубий ҳудудларда яшаб, ижод этган шоирлар дурдоналари қамраб олинган хитой шеърляти антологиясидан жой олган²⁴. Шеърда *бир* сонининг ўн марта ишлатилганини кўриш мумкин. Шеърни таржима қилиш жараёнида, унинг икки мисрасида *бир* сони миқдорни:

Бир елкан, бир эшкак, бир қайиқ,

Бир кекса балиқчила бир илгак,

учинчи сатрда ҳаракат давомийлигининг қисқалигини :

Дам бошини қуйи солар, дам тик боқади у,

Ногоҳ акс этади юзида табассум...

охирги сатрда эса бутун сатҳни, чор-атрофни яхлит ҳолда ифодалаш учун кўллангани аниқланди:

Айни куз палласи, тўлин ой акс этган дарё юзида...

Ушбу сон ёрдамида шоир ҳам ҳаракатни, ҳам сокинликни ифодалайди. Бирикмаларда *бир* сони билан келган ҳар бир сўз аниқ ва ўзига хос образни тасвирлайди. Шу тарзда шоир кундалик ҳаётнинг кичик тасвирини «чизиб бериш»га эришган. Шеър ўзининг лўндалиги, уйғунлиги, аниқлиги билан фильм лавҳасига ўхшайди. Демак, *бир* сони бу ўринда бутун шеърининг тасвирий ва уйғунлик асоси сифатида намоён бўлади.

Маълумки, сонлар сирадан юксалиши, кейинги қаторга ўтиши билан тил маданиятидаги сонларнинг аҳамияти ҳам тобора камайиб боради. Бирлик чегарасидан чиққан фақатгина айрим сонлар маданий жиҳатдан аҳамиятли ва кенг истеъмолда бўлиб, коннотатив маъно ифодалай бошлайди. Хитой тилида ҳам ўнлик ва ўнликдан юқори бўлган сонларнинг фақат айримлари рамзий ва кўчма маънога эга. Масалан, 十一 shí yī ўн бир, 十二 shí èr ўн икки, 十三 shí sān ўн уч, 二十四 èr shí sì *ийгирма тўрт*, 一百一 yī bǎi yī *бир юз бир*, 一百四十四 yì bǎi sì shí sì *бир юз қирқ тўрт*, 二百五十 èr bǎi wǔ shí *икки юз эллик* кабилар рамзий маънога эга. 101 сони хитой тилида 一百一 yī bǎi yī шаклида ифодаланади, *тўла-тўқис* маъносини ифодалайди. Хитойликлар кўпинча шундай дейдилар: «Унинг сенга муносабати 101» ёки «У 101 яхши одам», яъни бу ердаги «бир юз бир сони» «юз фоизга» маъносини ифодалайди.

Шундай қилиб, хитой тилидаги соннинг лингвомаданий хусусиятларини ўрганиш сонларнинг мустақил сўз туркуми сифатида ўзига хос хусусиятларга эга эканлигини, хитой олами лисоний манзарасида специфик рамзларни ифода этишини кўрсатди.

Учинчи бобда «Сонлар иштирокидаги хитой фразеологик бирликларининг лингвомаданий таҳлили» амалга оширилган, соннинг ижобий ва салбий маънодаги интерпретацияси берилган. Хитой фразеологиясининг алоҳида соҳа сифатида ажралиб чиқиши XX асрнинг иккинчи ярмига тўғри келади. Хитой тилшуносларининг фразеологияга бағишланган ишларида (XX асрнинг 50–60-йилларидаги тадқиқотлар кўзда

²⁴ Федоренко Н.Е. Цюй Юань. Лисао (离骚; 楚辞). Плача по Цюй Юаню. Чуские строфы. 25 произведений. – М., 1954. – С. 123.

тутилмоқда) турли маъноларда тушуниш мумкин бўлган 成语 chéngyǔ (идиома) термини қўлланила бошланди²⁵. Бу термин асосан қуйидаги маъноларда ишлатилган: 1) кенг маънода: тўрт таркибдан иборат бўлган турғун бирикмалар, мақоллар, афоризмлар; 2) тор маънода фақат фразеологик бирликларни билдиради. Бошқа хитой тилшунослари кенг маънодаги «фразеология» ёки «фразеологик бирлик» тушунчаси учун 熟语 shù yǔ терминини қўллайдилар. Бунда 熟 shú компоненти тайёр ёки таниш маъносини ифодаласа, 语 yǔ эса нутқ, жумла, сўз маъносига эга. Натижада 熟语 shù yǔ термини фанда термин мавқеига эришган.

Хитой фразеологиясининг ривожини натижасида 熟语 shù yǔ хитой термини уч маънода ишлатила бошланди: 1) нутқнинг турғун бўлақларини ўрганишга йўналтирилган бўлим; 2) тилнинг фразеологик бирликлари таркиби/ жами; 3) фразеологик бирлик (кенг кўламли маъно) сифатида.

Хитой лингвомаданиятида сонлар рамзий маъно касб этади. Айниқса, бирликка кирувчи сонлар хитой халқи менталитетида маълум бир ижобий ёки салбий ҳолат билан ассоциациялашади. Шу сабабли бу сонлар иштирокидаги ибораларда салбий ёки ижобий сонларнинг таъсири кузатилади. Салбий сонлар иштирокидаги иборалар салбий хусусият, салбий ҳодиса, салбий характер, салбий воқеаларни тавсифлаш учун хизмат қилади. Ижобий сон иштирокидаги иборалар эса, аксинча, инсон ҳаёти ва фаолиятидаги ижобий баҳоланадиган ҳолатлар, фазилатлар, хатти-ҳаракатларни белгилаш учун ишлатилади. Хитой халқ мақолларида салбий ва ижобий сонларни бир фразеологизм таркибида қўллаш ҳолатлари мавжуд бўлиб, улар зидлантириш орқали маънони кучайтириш, бўрттиришга қаратилган.

八 bā саккиз хитойликларнинг севимли сони ҳисобланиб, унинг ишлатилиш кўлами ўта кенг. Зеро, саккиз сони хитой олами лисоний манзарасида «бойлик», «мўл-кўллик» концептига эга. Айниқса, ижобий фикрни олға сурувчи фразеологик бирликларда бу сон етакчи ҳисобланади. 八面威风 bā miàn wēi fēng фразеологизми сўзма-сўз: «Саккиз хил юзинг бўлса, жуда обрўли ҳисобланасан» дея ўгирилади. Бу ибора сўзма-сўз таржимада *иккиюзламачи* маъносини билдиради, деб талқин қилиниши мумкин, лекин хитойликларда мазкур фразеологизм «салобатли, обрўли» маъносини англатади. Аввал таъкидланганидек, саккиз сони хитой лингвомаданиятида «бойлик, мўллик, мўл-кўллик, мўлчилик, сероблик, серобгарчилик, тўкин-сочинлик, барака» тушунчасига эга, буларнинг барчаси ибора орқали инсоннинг ижобий характеристикасини ифодалашга имкон берган, зеро саккиз сони орқали ассоциациялашган тушунчалар ўз-ўзига ишонч, руҳий, маънавий жиҳатдан инсонга куч беради.

三 sān уч сони айрим хитойликларнинг учун омадли сондир, чунки само, ер ва инсон учлигини тамсил этади. Қадимги хитой тилида битилган

²⁵ Ветров П.П. Фразеология современного китайского языка. Синтаксис и стилистика. – М.: Московская книга, 2007. – С. 14-15.

